

Илоҳ ҳақидаги ақийда

05:00 / 06.03.2017 3691

Илоҳ – Худо ҳақидаги ақийда барча ақийдаларнинг асоси эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Айнан илоҳ ҳақидаги ақийдадан бошқа эътиқодлар келиб чиқиши ҳам маълум. Энди мусулмонлардан бошқаларнинг илоҳ ҳақидаги ақийдаларига қисқагина назар солайлик.

Атеистлар илоҳни бутунлай инкор қиладилар.

Мажусийлар икки илоҳга – яхшилик илоҳига ва ёмонлик илоҳига ишонадилар.

Масихийлар: «Аллоҳ учтанинг биттасидир», дейдилар. Ота илоҳ, она илоҳ ва ўғил илоҳга ишонадилар. «Масих – Аллоҳнинг ўғли», дейдилар.

Яҳудийлар «Узайр – Аллоҳнинг ўғли, Аллоҳнинг қўли ғулга – кишанга солингандир», деган эътиқоддалар.

Аллоҳ таоло бу бузуқ ақийдани рад қилиб:

«Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Насоролар: «Масих Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Бу оғизлари билан айтган гапларидир. Аввалги куфр келтирганларнинг гапига ўхшатурлар. Аллоҳ уларни лаънатласин. Қаён бурилмоқдалар?!» деган (Тавба сураси, 30-оят).

Буддачилар Буддани илоҳ деб иймон келтирадилар.

Шунингдек, қуёшни, ойни, юлдузни, баъзи тоғ ёки одамларни худо дейдиганлар ҳам бор.

Баъзи файласуфларнинг Аллоҳга бўлган иймонлари қуйидагича: Аллоҳ мавжуд, аммо Унинг моҳияти ҳам, ҳақиқати ҳам йўқ. У жузъий нарсаларни муайян ҳолда билмайди. У ўз қудрати ила амал қилмайди. Унинг хоҳиши ўзининг ихтиёрисиз содир бўлади, каби хурофотлар.

Бу ақийдаларнинг барчасида нотўғрилиқ, ҳаддан ошиш ва илоҳга лойиқ бўлмаган нуқсонларни нисбат бериш бор.

Ислом ақийдаси илоҳнинг борлигини инкор қиладиган атеистлар, «Илоҳ иккитадир», дейдиган иснайнийлар, «Илоҳ кўпдир», дейдиган мушриклар, ўзига ўхшаган башарга ёки юлдузга, қуёшга, шайтонга ва бошқа нарсаларга илоҳ деб иймон келтирадиганлар ақийдасига қарши ўлароқ, васат – ўрта, адолатли, мўътадил, энг яхши ва афзал ақийдадир.

Мусулмонларнинг машҳур ақийда китобларидан бири бўлмиш «Ақийдатут-Таҳовия» номли китобда Аллоҳнинг тавҳиди ҳақида, жумладан, қуйидаги ақийдалар борлиги айтилади:

«Аллоҳнинг тавфиқига эътиқод қилиб, Аллоҳнинг тавҳиди ҳақида айтамызки:

1. Албатта, Аллоҳ бирдир, Унинг шериги йўқдир.2. Унга ўхшаш нарса йўқдир.3. Ҳеч бир нарса Уни ожиз қила олмас.4. Ундан бошқа илоҳ (ибодатга сазовор зот) йўқдир.5. У ибтидосиз қадимдир, интиҳосиз доимдир.6. У фано бўлмас ва битирилмасдир.7. У Зот ирода қилган нарсадан бошқа бўлмас.8. Унга тасаввур етмас ва Уни фаҳм идрок этмас.9. Махлуқотлар Унга ўхшамас.10. У тирикдир, ўлмас, доимо қоимдир, ухламас.11. У Зот ҳожатсиз халқ қилувчи – яратувчидир ва таъминотсиз Ризқ берувчидир.12. У Зот қўрқувсиз ўлдирувчи ва машаққатсиз қайта тирилтирувчидир...»

Ислом ақийдасидагина Аллоҳ таолога Ўзига хос баркамоллик сифатлари берилган ва У Зотнинг барча нуқсонлардан покланганини кўрамиз.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
(Васатия ҳаёт йўли китобидан)**